

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда хорижий давлатларда сайлов участкаларини ташкил этиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловни ёритиш учун журналистларни аккредитациядан ўтказиш масалалари кўриб чиқилди.

Мажлисни Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов бошқарди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчиликка биноан сайлов участкалари асосий мезон – сайловчиларга барча қулайликлар яратиш инobatта олинган ҳолда ташкил этилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига мувофиқ мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам сайлов участкалари ташкил қилинмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ташқи ишлар вазирлигининг Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш ҳақидаги тақдимномасини кўриб чиқиб, парламент сайлови бўйича 44 та сайлов участкасини тузиш ва уларни Тошкент шаҳридаги 126-“Темирйўлчилар” сайлов округига бириктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Шунингдек, сайловчилар учун зарур шароитлар яратишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Мажлисда парламент, Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни холисона ва ҳар томонлама ёритишни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида маҳаллий ҳамда хорижий журналистларни аккредитациядан ўтказиш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Марказий сайлов комиссиясига тегишли тартибда мурожаат қилган маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари аккредитациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг ваколати доирасидаги бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал демократик партияси вилоят кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловларга қандай тайёргарлик кўрапти? “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижросига қай даражада ҳисса қўшмоқда?

Шу саволларга жавоб олиш мақсадида ЎзЛиДеП вилоят кенгаши раиси Омонулло Исмолов билан суҳбатлашдик.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА ПАРТИЯНИНГ ЎРНИ

– Давлатимиз раҳбари ЎзЛиДеП ташаббускор гуруҳи аъзолари билан бўлиб ўтган анжуманда Ўзбекистон тараққиётини, унинг оғир-енглини ўз елкасига, ўз масъулиятига олишга бугун сиёсий куч сифатида бирлашган, мамлакатимизда катта салохиятга эга бўлган тадбиркорлар ва ишбилармонлар тоифаси ҳақлидир, деган фикрни билдирган эдилар. Орадан маълум давр ўтди. Ҳўй, вилоят партия ташкилоти бу ишончни қай даражада оқлади?

– Биз ўтган даврда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш ва либераллаштириш масаласига энг устувор вазифа сифатида қарадик. Бу жараёнда аниқ мақсадга қара-

(Давоми 2-бетда).

КОМИССИЯЛАРДА ИШ ҚИЗГИН

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар ўтказиладиган кун тобора яқинлашиб келмоқда. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи Чирчиқ шаҳридаги 11-“Саноатчилар” округ сайлов комиссиясида сайловолди тайёргарлигининг бориши билан танишдик. Округ ҳуду-

дида 10 та маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган. Бу ерда 12 та сайлов участкаси тузилган бўлиб, ҳозир комиссиялар таркиби шакллантириляпти. Комиссия аъзоларига ташкилий ишлар бўйича тушунтиришлар берилмоқда. Улар сайловчилар рўйхатини тузиш, ташвиқот-тарғибот олиб бориш бўйича керакли билим ва қўникмаларга эга бўлишяпти.



Жамиятда кечаётган янгиланиш жараёнларида халқ вакиллари – депутатлар фаоллик кўрсатишлари лозим. Зеро, улар халқ давлат бошқарув органларига шунчаки сайлаб қўйган вакилгина эмас, балки сиёсий курашчи, ўз сайловчилари хоҳиш-иродасининг ифодачисидир. У ҳар бир ишда халқ манфаатини

ўйлаб, унинг ваколатига биноан ҳаракат қилади. Бу ишда муҳими – натижа.

Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси аъзоси Улугўжа Ҳамзаев сайлов жараёнларида депутатларнинг ўрни билан боғлиқ саволларимизга батафсил жавоб берди.

ШУНЧАКИ ВАКИЛ ЭМАС

– Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш тартиби қандай?

– Депутатликка номзодлар сиёсий партияларнинг вилоят органлари томонидан кўрсатилади. Туман ва шаҳар Кенгашларига эса сиёсий партияларнинг тегишли туман, шаҳар органлари томонидан ҳамда фуқаролар йиғинлари (вакиллик йи-

ғилишлари)да кўрсатилади.

Сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳудудда жойлашган ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатиш ваколатига эга. Агар тегишли Халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округи ҳудудида икки ва ундан ортқ ўзини ўзи бошқа-

риш органи бўлса, депутатликка номзод фуқаролар вакилларининг йиғилишларида кўрсатилади. Йиғилишда иштирок этадиган вакиллар нормасини туман, шаҳар сайлов комиссияси белгилайди. Депутатликка, қандай тартибда, тегишли вилоят, туман ёки шаҳар ҳудудида ишловчи ёки яшовчи фуқаролар номзод этиб кўрсатилади.

(Давоми 2-бетда).

ЭКОҲАРАКАТ КОНФЕРЕНЦИЯСИГА ТАЙЁРГАРЛИК

Шу йил 12 ноябрь куни Қумовулдаги вилоят Маънавият ва маърифат марказида Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлими конференцияси бўлиб ўтди.

Конференцияда ҳаракат фаоллари, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва соғлиқни сақлаш йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Анжуманда Ўзбекистон Экоҳаракати конференциясига делегатлар сайлаш масаласи муҳокама этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Экологик ҳаракати республика конференциясига муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан 25 вакил сайланиши кўзда тутилган.

Саид ҲАСАНОВ.

Қўшма мажлис

ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ ТАЖРИБАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга қўмаклашувчи комиссияси ҳамда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.



Унда Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг давлат ҳокимияти ижроия органлари фаолияти, хусусан, “Соғлом бола йили” Давлат дастури ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишга оид тажрибасини ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Мажлисда Олий Мажлис Сенати ва Сенат комиссияси аъзолари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари, Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ташкилий-назорат гуруҳлари раҳбарлари,

оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Йиғилишда қайд этилганидек, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашлари, уларнинг доимий комиссиялари сессияларда Давлат дастури ижроси билан боғлиқ 40 га яқин масалани, доимий комиссиялар мажлисларида 80 дан зиёд масалани муҳокама қилди. Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 200 дан ортқ учрашув, давра суҳбати, савол-жавоб кечалари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларининг маҳаллий давлат ҳокимияти ижроия органлари фаолияти, хусусан, Давлат дастури ижроси устидан депутатлик назоратини амалга оширишда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани, Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва давлат дастурлари ижроси, ёш овларга моддий ёрдам кўрсатиш, тиббиёт ходимларининг она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола-тарбиялашга оид масъулиятини янада ошириш устидан таъсирчан депутатлик на-

зоратини амалга оширишга етарли эътибор қаратилмаётгани таъкидланди.

Мажлисда муҳокама қилинган масалалар юзасидан тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари, Сенат комиссияси раиси Мавжуда Ражабова иштирок этди.

Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ, “Тошкент ҳақиқати” муҳбири. Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

БИТИРУВЧИЛАР КОНЦЕРТИ

Янгийўл туманидаги 74-болалар музика ва санъат мактабиде Тошкент давлат консерваторияси бакалавр йўналиши битирувчилари иштирокида концерт намойиш этилди.

Фортепьяно бўйича бутунжаҳон конкурс лауреатлари Дилноза Тураева ва Шаҳноза Умарова жаҳон мултоз бастакорлари С. Раҳманинов, В. Моцарт ва И. Бах асарларидан намуналар ижро этишди.

Шунингдек, академик вокал қўшиқчиси Уткир Назаров “Кармен” ҳамда “Майсаранинг иши” операларидан ариялар ижро этиб, давра қатнашчиларига яхши кайфият улаштирди.

Юлдузхон ФАЗЛИЕВА.

Ангрен шаҳрининг олис Дуңкент кўргони бугун улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Хусусан, бундан сал аввалроқ бу ерда замонавий спорт ва санъат саройи, истироҳат боғи, маънавий ҳизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ўз ичига олган янги маданият маркази аҳолига хизмат кўрсата бошлаган эди. Эндиликда дуңкентлик болалар музика ва санъат мактабига ҳам эга бўлишди.

Дуңкентнинг янги санъат қўшонаси

ДУҲЕНТИНИНГ ЯНГИ САНЪАТ ҚОШОНАСИ

Давлат дастури асосида қурилган мактаб 150 ўқувчига мўлжалланган. Миллий ва жаҳон чолгу асбоблари, кўргазмалар воситалари билан жиҳозланган шинам ўқув ва услубий хоналари, ахборот-ресурс маркази, концерт зали, шунингдек, қўшимча тўғараклар фаолияти санъатсевар болаларга

ҳақиқий тўхфа бўлди. Айна пайта бу ерда ўқувчилар анъанавий ижрочилик, эстрада хонандалиги, ўзбек ва жаҳон чолгу асбоблари, таъсирий ва амалий санъат, хореография йўналишлари бўйича маҳалли муҳахассислардан сабоқ олмақдалар.

Шерзод АҲМЕДОВ.

Эътироф

БЎЛИБ ЎТАЖАК САЙЛОВЛАРГА БАФИШЛАНДИ

Яқинда мамлакатимизнинг Америка Қўшма Штатларидаги элчихонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. Унда Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси, Америка бизнес тизими вакиллари, “Америка овози” телерадиоканалининг ўзбек таҳририяти, “Ватандош” газетасининг ходимлари иштирок этдилар.

Брифинг чоғида шу йилнинг декабрида Ўзбекистонда бўлиб ўтажак сайловлар, уларга тайёргарлик жараёнлари билан боғлиқ батафсил маълумотлар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди. Тадбирда Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг асослари ва Олий Мажлисининг кенгайтирилган ваколатлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Ватандошларимиз АҚШ ҳудудида, яъни Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида ташкил этиладиган сайлов участкаларида овоз бериш жараёнининг ташкилий жиҳатлари ҳақидаги батафсил маълумотларга эга бўлганлари баробарида овоз беришга тўққунлик қилиши мумкин бўлган ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида уларга тегишли консуллик-хукукий масалаҳатлар берилди.

Тадбир чоғида ўзбек диаспорасига мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеалар ҳақида батафсил маълумотлар берадиган шундай тадбирларнинг аҳамияти катта эканлиги қайд этилди.

“Ватандош” газетасининг муҳаррири Ф. Султонов сайловолди жараёналари, шунингдек, сайловларда иштирок этаётган партиялар номзодларининг сиёсий платформалари тўғрисида ватандошларимизни ўз вақтида ха-

бардор этиш масалалари юзасидан Ўзбекистоннинг Америкадаги дипломатия ваколатхоналари билан фаол ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қилди. Жаҳон банки ходими Ф. Эшбекова республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида парламент ҳамда сиёсий партияларнинг тўтган ўрни, сайлов қонунчилигига қиритилган ўзгаришлар брифинг иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотганлигини қайд этди. Унинг айтишича, ана шу ўзгаришлар дунёдаги ривожланган демократик мамлакатларнинг энг яхши қонунчилик амалиётини қўллаш борасида яна бир муҳим қадам бўлди.

Ж. Вашингтон университетининг магистранти Д. Зокиров элчихонада ўтказилган ушбу тадбир ҳам нафақат республика ҳудудида, балки хорижий элларда истиқомат қиладиган барча фуқароларнинг сиёсий ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон ҳукуматининг фаол эканлигини далолат беришини таъкидлади.

Брифинг иштирокчилари ўзларининг сайлаш ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда овоз бериш куни сайлов участкасига келиш ниятида эканликларини маълум қилдилар.

“Жаҳон” АА, Вашингтон.

Юксак маънавият – енгилмас куч

ЁТ ФОЯЛАР – МАЪНАВИЯТИМИЗ ЗАВОЛИ

...Муроджон ота-онасининг Яратгандан тилаб олган елғиз муроди эди. У эиёли оиланинг фарзанди бўлгани боис мактабда “аъло” баҳо-ларга ўқирди. Мактабдан қайтган дарс тайёрлар, сўнг уй ишларига қарашарди. Саккизинчиға ўтганида уларнинг синфиға янги ўқувчи келди. Муроджонни бу боланинг бошқаларникиға ўхшамаган “яшаш тарзи” ўзига тортиди. У ёш бўлишиға қарамай, хориж урфиға монанд кийинар, ажний мусикаларни тинглашни, интернет-кафеда куни кеч қилишни яхши кўрарди. Муроджонға ўз турмуш тарзидан йироқ бўлган бу одатлар ёқиб қолди.

Ўспирин энди ўқиш ва уй ишларидан ўзини олиб қочадиган, уйига кечроқ қайтадиган, тез-тез пул сўрайдиган бўл-

ди. Онаси буни ака-ука-сиз ўсаётган ўғлининг ёстларни кўпаяётганиға йўйди. Дадасининг эътирозларига қарамай, фарзандиға ортқча пул берди, гўё унинг ўртоқлари даврасиға яқинроқ бўлишға қўмақлашди. У бу билан боласининг ҳар томонлама камолға етиш учун шароит яратаялман, деб ўйлаган эди. Аммо...

Ўғил туналари саёқ юрадиган бўлди. Сўнг бада-ниға, қўл-оёқлариға турли расмлар чиздириб, галати кийимларни кийишға одатланди. Бир амаллаб коллежни тугатган, ўқиш-ни давом эттиришни ҳам, ишға жойлаштишни ҳам истамайди. Бироқ, моддий эҳтиёжларни қондириш учун Муроджонға пул зарур эди. Натижада у боши берк қўчаға қадам қўйди...

(Давоми 3-бетда).

ШУНЧАКИ ВАКИЛ ЭМАС



Бир шахс Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи фақат битта сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилиши мумкин. Депутатликка номзодлар танлаш тартибини сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ўзлари белгилайди.

Сиёсий партиялар фақат ўз партияси аъзолари ёки партиясиизларни депутатликка номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса шахсларни у ёки бу партияга мансублигидан қатъи назар, депутатликка номзод этиб кўрсатишга ҳақлидир. Депутатликка номзодлар кўрсатилгани тўғрисида баённома тузилади.

– **Кимлар Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар?**

– Содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб таш-

ланмаган фуқаролар, сайлов кунига қадар сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига муқим яшамаган шахслар, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмалар ходимлари, диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

– **Судьялар, прокуратура органлари ва ҳокимият ижроия органларининг мансабдор шахсларининг Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатликка номзод этиб рўйхатга олиш тартиби қандай?**

– Улар (вилоятлар, туманлар ва шаҳарларнинг ҳокимлари бундан мустасно) депутат этиб сайлангудек бўлсалар, эгаллаб турган лавозимларидан бўйша тўғрисида ариза берганларидангина Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

– **“Тошкент ҳақиқати” мухбири Хуршида Турсунбоева суҳбатлашди.**

Бугунги кун ҳолатига лойиҳанинг 36 иштирокчисига жами 190 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Натижада 60 та янги иш ўринлари очилди. Партия электорати иштирокида 63 та ўқув-семинар ва давра суҳбатлари уюштирилди. Шунингдек, 2014 йилда озиқ-овқат саноати соҳасида амалга оширилган манзилли дастурларнинг ижроси юзасидан Паркент ва Янгийўл туманларида

– Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир ўтказилган 36 та тадбирнинг 21 таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада кенгайтириш, қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга қаратилди. Тадбиркор ва фермерларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган 86 та депутатлик сўровлари юборилди ва уларга

дан зиёд семинар ташкил этдик. Айти пайтда семинарларда иштирок этган 300 дан зиёд партия аъзолари фаолиятида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Электрат манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган “ЎзЛиДеП – аниқ ишлар партияси”, “ЎзЛиДеП депутатлари – аҳоли манфаатлари йўлида” каби лойиҳаларни ҳам сайловларга ўзига хос тайёргарлик дейиш мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига депутатликка номзодларни танлаш ва тайёрлаш мақсадида эл орасида обрў-эътибор қозонган, ўз ортдан кўпчиликини эргаштира оладиган 100 дан зиёд фойдасиз партиялар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар рўйхатга олинди, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатликка эса 240 та, туман ва шаҳар кенгаши депутатлигига 600 нафар, жами 940 нафардан ортиқ номзодлар танлаб олинди.

Айни пайтда миллионлаб юрдошларимиз, айниқса, эртаимиз эгалари бўлган ёшлар бизни катта эътибор билан кузатиб туришибди. Айтмоқчиманки, юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар ҳар биримиздан сиёсий фаолликни оширишни, ўз устимизда кўпроқ ишлашимизни тақозо этади.

Наргис ҲАСАНОВА,
“Тошкент ҳақиқати” мухбири.

ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРДА ПАРТИЯНИНГ ЎРНИ

тегишли жавоб хатлари олинди. 2014 йил апрель-май ойларида Олмалик шаҳар депутатлик гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш тўғрисида”ги Қонуни ва шу даврда Охангарон тумани депутатлик гуруҳлари аъзолари “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуни ижросини назорат-таҳлил тарзида ўрганиб чиқишди ва амалий кўмак беришди.

– **2014 йил сайловолди дастури ижроси юзасидан режа тузилди.**

– **Партиянинг 2014 йилдаги махсус медиа-режаси ишлаб чиқилди.** Барча худудларда сайловларга тайёргарлик куриш ва уни ўтказиш ҳамда сайловолди дастури юзасидан бошланғич партия ташкилотлари раислари учун 40

Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят Кенгашининг навбатдаги II пленуми бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Халқ депутатлари

вилоят Кенгаши депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят ташкилотидан номзодлар кўрсатишга доир масала кўриб чиқилди.

АНИҚ МАҚСАДЛАР КЎЗЛАНМОҚДА

– Жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш йўлида эришилган натижаларни мустахкамлаш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлиги ва дунёқарашини юксалтириш барча сиёсий партиялар қатори Ўзбекистон Халқ демократик партияси олдида ҳам салмоқли вазифаларни қўймоқда, – деди вилоят партия кенгаши депутатлик гуруҳи раҳбари Сирожиiddин Аъзамов. – “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамия-

ти сари” тамойилининг босқичма-босқич амалга оширилишида партиянинг ўрни жуда муҳим. Бугун электрот иштирокини кенгайтириш, сайловолди тарғиботи бошланишидан олдин партия ҳужжатларини тақомиллаштириш, мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ҳамда ижтимоий-сиёсий масалаларни ўз ўрнида ҳал этишда ЎзХДП аниқ мақсадларни кўзламоқда.

Тадбир сўнггида сайлов тизимини янада демок-

ратлаштириш, сайловолди тарғиботи жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партиялар учун тенг шaroитларни таъминлаш, сайловлар очқилиги ҳамда ошқоралиги тамойилини мустахкамлашга қаратилган қатор масалалар муҳокама этилиб, ЎзХДП уставида ўзгаришлар киритиш хусусида тақлифлар берилди. Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Феруза ҲАСАНОВА.

Таълим

УСТОЗЛАР МАЛАКА ОШИРДИЛАР

Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида навбатдаги малака ошириш курси якунланди. Шу муносабат билан уюштирилган тантанали маросимда ўқув курсини муваффақиятли битирган бир гуруҳ устоз ва мураббийлар ташаккурнома ва фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.



САБОҚ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида юрт қудратини ошириш ва жамият тараққиётини таъминлашга қодир, жисмоний ва маънан етук ворисларни тарбиялашдек эзгу мақсад муҳим. Зеро, болаларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шaroит яратилиб, янги таълим муассасалари барпо этилмоқда, мавжудлари замон талаблари асосида таъмирланмоқда. Хусусан, бу йил вилоятимизда 32 та мактаб капитал таъмирланди ва реконструкция қилинди. Қурилиш-монтаж ишларига 27 миллиард 241 миллион 650 минг сўм сарфланди.

– Бугун ёшлар учун имконият ҳам, имтиёз ҳам етарли, – дейди ўрта Чирчиқ туманидаги 25-умумтаълим мактаби директори Мирзизой Юнусов. – Таълим тизимига оид қонуналар фарзандларимизнинг ёрқин келажагини кафолатлаштириш, десак муволаф бўлмайди. Жумладан, Президентимизнинг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори таълим сифатини янги босқичга кўтарди.

Қарор ижросини таъминлаш мақсадида мактабда янги инглиз тили

хоналари ташкил этилди. Ахборот-ресурс маркази китоб фонди бойитилди, чет тиллардаги янги ўқув кўланма ва дарсликлар билан таъминланди. Эндиликда, чет тили дарслари ноанъанавий, интерфаол тарзда олиб борилиб, ўғил-қизлар чет тилларини биринчи синфдан ўрганиш имконига эга бўлишди.

Вилоят умумтаълим мактабларидаги 1-, 2-синф ўқувчилари учун 628 минг 453 ўқув-усулбӣ кўланмалар етказиб берилди. Шунингдек, 405 миллион 868 минг сўмлик ўқув жиҳозлари билан таъминланди.



1541 ўқитувчи Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига ўқитилди. – Мактабимизда 16 йўналишда тўғарақлар фаолият юритилмоқда, – деди Мирзизой Юнусов. – Уларда ўқувчилар дарсда ўрганганларини мустахкамлаш билан бирга, бўш вақтларини мазмунли ўтказдилар. Айниқса, рус ва инглиз тили тўғарақлари доим ўғил-қизлар билан гавжум.

Ҳамкорлик

Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларга пухта билим ва тарбия бериш борасидаги ислохотлар самаралари жаҳон миқёсида эътироф этилмоқда. Бу жиҳатлар ижтимоий-маърифий соҳадаги халқаро ҳамкорликнинг янада кенгайишига хизмат қилмоқда.

МАКТАБЛАРНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАСИ

Мамлакатимизда Корея Республикаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳасининг муваффақиятли амалга оширилаётгани бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида мамлакатимиз таълим соҳаси ва ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари ҳамда Жанубий кореялик банк-молия тизими мутасаддилари иштирокида бўлиб ўтган учрашувда шулар ҳақида сўз юритилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга кенг жорий этилаётган “Таълим тўғрисида”ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мамлакатимизда жаҳон андозаларига мос таълим даргоҳлари барпо этиш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш, ўқувчиларнинг замонавий билим ва касб-хунар сирларини эгаллашда муҳим омил бўлмоқда. Навқирон авлодга билим беришнинг ўзига хос модели сифатида эътироф этилаётган мазкур ислохотлар жараёнида замонавий ахборот-коммуникация

технологияларини соҳага татбиқ этишга қаратилган лойиҳалар алоҳида аҳамият касб этади.

“Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш” лойиҳаси доирасида 2011-2014 йиллар мобайнида 1770 мактабга ўқув-компьютер синфлари учун техник жиҳозлар етказиб берилди. Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш марказида серверлар майдончаси, мультимедиа студияси, контент ишлаб чиқарувчилар ва ахборот-коммуникация технологиялари муҳандислари учун махсус хоналар ташкил этилди. Айни пайтда Жанубий кореялик мутахассислар билан ҳамкорликда электрон ахборот-таълим ресурсларини ишлаб чиқиш устида иш олиб борилди.

– Ҳар бир мамлакат келажагида таълим соҳасига қаратилаётган эътибор муҳим ўрин эгаллайди, – деди Корея Республикаси стратегия ва молия вазирлиги департамент директори Ко Же Мёнг. – Ўзбекистонда ёш авлод истиқболига давлат томонидан улкан ғамхўрлик кўрсатилаётгани диққатга сазовор.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири.

Вилоят ҳокимлиги, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими, маданият ва спорт ишлари, халқ таълими, ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармалари, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди вилоят бошқаруви ҳамкорлигида умумтаълим мактаблари, коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасида “Менин жонахон маҳаллам” кўрик-танлови ўтказилмоқда.

ТАНЛОВ ИБТИДОСИ

– Мазкур танлов тарихий хотира, юксак маънавият, халқимизнинг миллий анъаналари ва маданий меросимизга ҳурмат, мустақиллигимизнинг буюк тарихий аҳамиятини англашга хизмат қилади, – дейди “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши бўлим мудир Хусанжон Жонқолиев. – Шу билан бирга ўқувчи-ёшлар рағбатлантирилиб, илгор таърибалар оммалаштирилади.

Танловнинг Чирчиқ шаҳрида ўтган биринчи босқичида ижтимоий-иқтисодий касб-хунар коллежининг “Қимёгарлар”, Х. Мақсудов номи ва “Баҳор” жамоалари иштирок этди. Фойлибликни “Қимёгарлар” жамоаси қўлга киритди. 7-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиларидан тузилган “Билимдонлар”, “Маърифат”, “Баркамол авлод”, “Иқтидорлилар” жамоалари баҳсида “Маърифат” жамоаси муваффақият қозонди.

Танловнинг тўртинчи саралаш босқичи 21 ноябрда ўтказилди.

Саид ҲАСАНОВ.

БАНДЛИК ДАСТУРИ АМАЛДА



“Адолат” социал демократик партияси меҳнатга қобилиятли аҳоли бандлигини таъминлашга энг муҳим вазифа сифатида қараб, ҳар йили янги иш ўринлари ташкил этиш да-

стури ижросида иштирок этиб, у ёки бу бандларига маҳаллий шaroитларни ҳисобга олган ҳолда ўзгаришлар киритиш бўйича тақлифлар билдирмоқда.

– Бандлик дастурини бажаришда иштирок этиш, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, туман ва шаҳар инфратузилмасини ривожлантириш, маҳаллий хом ашёга асосланган муқобил инвестициявий лойиҳаларни амалга оширишда фаол қатнашмоқдамиз, – дейди Ўзбекистон “Адолат” социал демократик партияси Паркент туман кенгаши раиси Мурод Маҳмамов. – Партиянинг амалий ҳаракат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижроси юзасидан ҳам самарали иш олиб бормогимиз лозим.

Наргис МАМАТКУЛОВА,
Даврон АҲМАД
олган суратлар.

2014 йил – Соғлом бола йили

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фондининг 2014 йил тўққиз ойлик фаолияти якунларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб

ўтди. Унда фондининг республика бошқаруви ва ҳудудий бўлимлари мутасаддилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

МАҲАЛЛА МАСЪУЛИЯТИ

Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди бошқаруви раиси А. Аҳмедов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида фуқаролар йиғинларининг жамиятдаги маъқуни юксалтириш, фаолиятини яхшилаш ҳамда ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада мустахкамлаш масаласига доимий эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Фонд тузилмалари томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди иш режасида белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида жами 11 миллиард 465 миллион сўм маблағ сарфланди.

Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини тушунтириш борасида жойларда семинарлар, Президентимиз асарлари ва маърузаларининг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш мақсадида учрашув ва давра суҳбатлари ташкил этилди. Маҳалла-ларда диний экстремизм ва ақидাপарастликнинг турли кўринишларига барҳам бе-

ришга қаратилган туркум тадбирлар ўтказилди. “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” ва “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аҳамиятини тушунтириш бўйича тарғибот ишлари олиб борилди.

Ёшларда юксак маънавий фазилатларни шакллантириш мақсадида маҳаллаларда “Ота-оналар мактаби” ўқув машғулотлари кенг йўлга қўйилиб, таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар, психологлар, дин арбоблари иштирокида суҳбатлар ташкил этилди. Маҳаллаларда 34 мингдан ортиқ маншай хизмат кўрсатиш шабоҳаси, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнесни ташкил этиш ва уларда 112 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилишида кўмаклашилди.

Ўтган даврда 873 фуқаролар йиғини компьютер жамлаамаси, 920 таси мебель билан таъминланди. 175 фуқаролар йиғини биноси реконструкция қили-

ниб, 19 таси янгидан қурилди. 173 болалар майдончаси қайта таъмирланди, 152 таси янгидан бунёд этилди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламга муруват ёрдамлари кўрсатилди.

Анъанавий равишда ўтказиб келинаётган “Футболимиз келажаги”, “Маҳалламиз пахлавонлари”, “Отам, онам ва мен – спортчи оила” мусобақаларида минглаб ўғил-қизлар, спортсевар оилалар фаол қатнашди. Маҳаллалардаги 757 минг бола спортнинг йиғирмадан ортиқ тури ва бадний ижодиёт тўғарақларига жалб этилди. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва кам таъминланган оилалар фарзандлари учун музейлар, маданият ва истироҳат боғларига, тарихий шаҳарларга саёҳатлар ташкил этилди.

Йиғилишда тизимда эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд камчиликлар ҳам муҳокама қилинди. Уларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланган олинди.

ЎЗА.

БОЛА ТАРБИЯСИДА ОАВ РОЛИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида “Болалар оммавий ахборот воситалари фаолияти: ютуқлар, муаммо ва ечимлар” мавзусида давра суҳбати ташкил этди.

Тадбирда Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мақсад-моҳиятини оммага етказишда болалар ва ёшларга мўлжалланган ОАВларнинг роли ва масъулиятини янада қулайтириш, йўл қўйилаётган камчилик ва муаммолар ҳақида сўз юритилди.

Давра суҳбатидида “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида амалга оширилаётган ишларнинг болалар ва ёшларга мўлжалланган ОАВда ёритилиши, “ОАВнинг болалар тарбиясидаги ўрни”, “Болаларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда ТВнинг роли”, “Таъриятларда ёш мухбирлар

Мурод ҲАМИДОВ.

